

“Ўзкимёсаноат” АЖ ишчи гуруҳи Қуйи Чирчиқ тумани “Пахтачи” МФЙ ишсиз ёшлари билан тизимли ишламоқда

// 09.04.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-ishchi-guruhi-quyi-chirchiq-tumani-pahtach>

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва замонавий касб-хуналарга ўқитиш борасида амалга оширилаётган ишлар изчил давом этмоқда.

Жумладан, “Ўзкимёсаноат” АЖ ишчи гуруҳи томонидан Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани “Пахтачи” МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи ишсиз ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур ташаббус доирасида ҳудуддаги ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бугун “Ўзкимёсаноат” АЖ ишчи гуруҳи ушбу ҳудудда бўлиб, эҳтиёжманд 2 нафар ёшга иш ва таълим жараёнида фойдаланиш учун замонавий компьютер жиҳозлари топширилди. Ушбу компьютерлар ёшларнинг билим олиш салоҳиятини ошириш, ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш ва келгусида рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ушбу ёшлар туман мономарказида касб-хуна ўрганишмоқда. Замонавий компьютер техникаси эса уларга таълим жараёнида сифатли билим олиш, амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш ва мустақил ишлаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ ёшлар билан ишлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай эзгу ишлар изчил давом эттиради.